



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 26 сентябрь, № 187 (6117)

Жума

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ижтимоий шериклик тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

4-модда. Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари

Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат: қонунга бўйсунуш; тенг ҳуқуқлилик; очиклик ва шаффофлик; ҳаммабонглик; мустақиллик; ҳолислик; ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

5-модда. Ижтимоий шериклик соҳалари

Ижтимоий шериклик куйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш; аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш; атроф муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш; ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш; оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш; фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш; аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш; миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги гоёларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, аъёнаний маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Ижтимоий шериклик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2-боб. Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби

6-модда. Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари

Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари куйидагилардан иборат: нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши; нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши; нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузурдаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

(Давоми 2-бетда).

21 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВЛАР КУНИ

2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябридан бошланди.



ОЧИҚ ВА ЭРКИН САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ ЎЗА мухбирига миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, бўлажак сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш қандай принципларга асосланиши хусусида сўзлаб берди.

— Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоши-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, — дейди М. Абдусаломов. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунида мустаҳкамланган ҳар қимнинг давлат ҳокимияти вакилли

органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Айни пайтда сайлов тизимининг такомиллаштирилиётгани юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётгани ва жамиятимиз яшаётган янги шароитлар сайлов жараёнини янада демократлаштириш зарурлигини таъкидлаётган эътибор.

Масалан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаолияти, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туз ислохотларнинг муҳим самараларидан биридир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар жараёнига, қонун ижодкорлиги даражаси ва

ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва депутатларнинг амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ҳам сезиларли равишда ошди.

Буларнинг барчаси бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мустаҳкам асос яратди ва сайлов жараёнини ташкил қилишга жалб этилган барча тузилмалар зиммасига катта масъулият юклайди.

— Миллий сайлов тизимида мустаҳкамланган асосий демократик принциплар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэтироф этилган халқаро нормалар инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич шакллантирилди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистондаги парламент сайловлари дунё жамоатчилиги нигоҳида

2014 йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Уларнинг натижалари яқин беш йиллик муддат учун Ўзбекистон тараққиёти стратегияси ва йўлини белгилаб беради.

Бўлажак сайловлар хоржий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доираларининг таникли вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг диққат-эътиборида турибди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг хоржийдаги дипломатия миссиялари томонидан парламент сайловлари, юртимизда яратилган, энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими ҳақидаги маълумотларни чет эл жамоатчилигига етказиш мақсадида турли тadbирлар ўтказилмоқда.

Қатор давлатларда ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, илмий семинарлар ҳамда учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур тadbирлар доирасида экспертлар республикамизда ҳуқуқий демократик давлат ва

кўчли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни ҳамда уларнинг натижаларини муҳокама қилиш имконига эга бўлди. Бундай тadbирлар Мадрид (Испания), Пекин ва Шанхай (Хитой Халқ Республикаси), Куала-Лумпур (Малайзия), Сеул (Корея Республикаси), Новосибирск (Россия), Анкара (Туркия) ва Токио (Япония) сингари шаҳарларда ўтказилиб, уларнинг хоржий қатнашчилари мамлакатимизда ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоғи фаолиятини, сайлов тизимини янада демократлаштириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тadbирларни юқори баҳоладилар. Қуйида улар томонидан билдирилган баъзи фикр-мулоҳазаларни келтираемиз.

(Давоми 4-бетда).

Жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари

пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган «UzMedExpo — 2014» VII Халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмасида намоиш этилмоқда



Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бу янгиланишлар эса, ўз навбатида, халқаро андозалар даражасидаги тиббий исмизат ти-

зимини барпо этиш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, халқимизни янада соғломлаштиришдек эзгу мақсадга қаратилган. Бинобарин, тиббиёт тизимини янада ривожлантиришда аъёнаний равишда ўтказиб келинаётган кўргазмалар

муҳим аҳамият касб этаётир. Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган «UzMedExpo — 2014» VII Халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмасининг очилиш маросимида шу ҳақида сўз борди. Мазкур тadbир «IEG Uzbekistan»

(Давоми 3-бетда).

ТАДБИР

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Қорақалпоғистон Республикасига етиб келди.

«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» ОРОЛБЎЙИГА ЕТИБ КЕЛДИ

Маълумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида аҳоли саломатлигини, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва юксак салоҳиятли авлодни вояга етказиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди республикамизнинг барча ҳудудида тиббиёт, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қатор тиббий лойиҳаларни амалга ошириб келаётир. Уларда, асосан, оналар ва болалар саломатлигини тиклашга, бунинг учун даволаш-профилактика муассасаларининг зарур дори-дармонлар билан таъминланишига катта аҳамият қаратилмоқда. Биргина хоржий йилнинг ўтган даври мобайнида ана шундай дастурлар натижасида уч мингдан ортиқ юрдушларимиз замонавий ва сифатли тиббий кўрикдан ўтказилди.

(Давоми 3-бетда).



Жорий йилнинг ўтган даврида 9 мингдан зиёд оила янги уй-жойлар соҳибига айланди

Шаҳару қишлоқларимизни обод этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунга айни пайтга келиб олис қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган тураржойлар ҳам яққол мисол бўла олади.

ТАФСИЛОТ

Дарҳақиқат, бугун юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланиб, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган яқка тартибдаги уй-жойлар ўзида миллий ва замонавий мейморчилик аъёналарини уйғунлаштирган ҳолда бунёд этилаётгани ҳудудлар кўрқига кўрк қўшмоқда. Бошқача айтганда, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги

«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорига биноан бошланган мазкур тadbир бугунги кунга келиб оммавий тус олди.

Жорий йилда бу каби уйларни қуришга тендер асосида танлаб олинган 1148 та асосий пудратчи ташкилот жалб этилган.

Жараённинг узлуқсиз ва сифатли бажарилишида эса улар учун зарур бўлган қурилиш ашёларининг арзон нархларда етказиб берилаётгани айни мудидао бўлаётир.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясидан олинган маълумотларга кўра, жорий йил охирига келиб ана шундай уйлар сони 11 мингтага еткази-

лади. Уларни замонавий коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун эса 433 километрлик газ, 343,7 километрлик ичимлик суви, 307,3 километрлик электр энергияси тармоқлари тортилиб, 263 километр масофада ички йўллар қурилади, 187 та бозор инфратузилмаси объектилари қад ростлайди. Бу пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотла-

ри уй-жойлар билан бирга, sanoat ва хизмат кўрсатиш иншоотларини қуришга ҳам фаол жалб этилади, деганидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда аҳолининг бахтли турмуш кечиршини таъминлашга қаратилган ишлар самараси қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, бу ерда истикомат қилаётган аҳоли турмуши нечоғли обод ва фаровон бўлиб бораётгани ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Дилшод УЛУФМУРОВО, «Халқ сўзи» мухбири.

